

Болалар учун алимент: уларнинг ҳуқуқларини қандай таъминлаш керак?



Бош қомусимизнинг 64-моддасида “Ота-оналар фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” деб белгиланган.

Аммо ҳаётда барча ота-оналар ҳам (кўпроқ оталар) юқоридаги моддада қайд этилган бурчини, конституциявий мажбуриятини тўлақонли ҳис қилавермайди.

Халқимизда ота бўлиш осон, аммо оталик қилиш қийин, деган пурҳикмат мақол бор. Айниқса, турмуш ўртоғи билан бирга яшамаётган ёки ажрашгани сабабли вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан, яъни алимент тўлашдан бўйин товлаб юрган “ота”ларга кўпроқ тааллуқли бу гап. Шу боис Жиноят кодексининг 122-моддасида бундай шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ алимент билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш мақсадида 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан Жиноят кодекси, Оила кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги 474-модда киритилиб, унга мувофиқ моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик 15 сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади. Шунинг-дек, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Жиноят кодексининг 122-моддасига киритилган ўзгартиришга биноан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Янги таҳрир асосида мазкур модда санкциясидан жарима ва мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазолар чиқарилган. Шу билан бирга, шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўласа, жавобгарликдан озод қилиниши ҳам белгиланган. Мазкур ўзгартириш алимент тўламаётган шахсни жиноий жавобгарликдан олдин маъмурий жавобгарликка тортиш орқали жавобгарликни енгиллаштирган бўлса, ўз навбатида алимент ундириш самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Аниқроғи, энди алимент тўлашдан бўйин товлаган шахс маъмурий жазони ўташ чоғида келгусида яна шундай қонунбузилишга йўл қўйса, жиноий жавобгарликка тортилишини англайди.

Алимент масаласи кўтарилганда яна шуни айтиш мумкинки, гап қайсидир отанингдир қарз суммаси кўп-озлиги ёки маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортилганида эмас, балки отанинг фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлашга мажбурлигини нечоғлик англаб етишидир. Шунинг учун бўлса керак, Мажбурий ижро бюросининг туман, шаҳар бўлимлари, маҳаллий ҳокимлик, маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари билан йўлга қўйилган ҳамкорликлар натижасида кўпгина

оилалар яраштирилиб, вояга етмаган болаларнинг тирик етим бўлиб қолишига барҳам берилмоқда. Зеро, ҳаётда бола кўзига қувонч бахш этишдан ҳам ортиқроқ бахт бўлмаса керак.

Жиноят ишлари бўйича

Узун туман судининг раиси

О.Жуманов